ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАҲАЛЛА» жамғармасининг нашри

№ 11 (289) 2002 йил 13 март, чоршанба. Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган. Сотувда эркин нархда

РАСМИЙ ТАШРИФ БОШЛАНДИ

Вашингтон. 12 март.
ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Кеча расмий ташриф билан Вашингтонга келган Ислом Каримовни АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларига қарашли «Эндрюс» авиабазасида Давлат котибининг ўринбосари Элизабет Жоунс ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Мамлакатимиз раҳбари АҚШ Президентининг фахрий меҳмонлар уйи - «Блэйр хаус» қароргоҳига жойлашди. Бугун Ислом Каримов АҚШ Президенти Жорж Буш, давлат котиби Колин Пауэлл ва бошқа расмий кишилар билан учрашади.

(ЎзА)

МАҲАЛЛА ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида инсонпарвар жамият тамойилларини шарқона демократия ўчоғи ҳисобланган маҳаллаларда кенг тарғиб ва ташвиқ этиш, аҳолининг ҳуқуқий онгини юксалтириш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда маҳаллаларда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг долзарб вазифаларига бағишлаб ўтказган илмий-амалий анжуманда шу ҳақда сўз юритилди. Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар «Маънавият ва маърифат» марказлари раҳбарлари, пойтахт маҳаллалари фаоллари, ҳуқуқшунос олимлар, турли муассаса ва ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар жойларда асосий эътибор маҳалла фуқароларида давр талабларига жавоб берадиган ҳуқуқий онгни шакллантиришга қаратилиши кераклигини қайд этди. Бу вазифани бажаришда малакали ҳуқуқшунослар, маҳалла фаоллари етакчилик қилишлари, аҳоли ўртасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, бурчларини кенг тушунтириш ишларини олиб бориш зарур.

/ЎзА/

ЭЛ ҲАШАРИ - ЭЛ ОШАРИ

Юртимизда ободонлаштириш ойлиги

Ушбу йил баҳори ҳам одатдагидек бизни худди табиат ўзгаришларига хос равишда уйғониш кайфияти билан ошна қилмоқда. Табиат билан ҳамоҳанг тарзда юртимиз деҳқонлари экин-текинга киришди. Барча аҳоли ўз уйи, ўз кўчаси, ўз маҳалласи, ўз шаҳари ва қишлоғининг обод ва озода бўлиши учун ҳаракатга киришиш пайти келганлигини англаб етди. Эрта баҳор ташвишлари айни шундай ташвишлардир.

Табиатнинг, халқимизнинг баҳордаги юмушларига ҳамфикр тарзда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аҳоли яшаш жойларида баҳорги ободонлаштириш ишларини муваффақиятли ташкил этиш ва мамлакатда санитария эпидемиология ҳолати талабларини йўлга қўйиш мақсадида аҳоли яшаш жойларида ободонлаштириш ойлигининг эълон қилиниши ҳақидаги Фармойиши юртдошларимизнинг бу ҳаракати оммавий тус олишини таъминламоқда.

Барча маҳаллалар аҳли ободонлаштириш ишларини аллақачоноқ бошлаб юборишган. Хусусан, бунга Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг юртимизни янада ободонлаштиришга даъват этувчи барча аҳолига мурожаатномаси ва яқиндагина эълон қилинган «Энг обод маҳалла» кўрик-танлови шартлари ҳам катта руҳ бағишлади.

Ободонлаштириш ойлиги доирасида 16 март куни амалга оширилиши кўзда тутилган умумхалқ ҳашари юртдошларимиз ҳаёти учун, маҳалладошлар учун икки томонлама аҳамиятлидир. Аввало, шу кунги тадбир туфайли ҳар бир маҳалла, унинг ҳудудида жойлашган ҳар бир муассаса биноси янада гўзаллашади, ҳамма жой тоза-озода бўлади, юртимиз аҳолисининг турли юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш учун имкон яратилади. Иккинчидан, мазкур Фармойишда ушбу кунги меҳнат ҳақи «Маҳалла» хайрия жамғармаси, унинг бўлим ва бўлинмалари ҳисоб рақамига ўтказилиши қайд этилган. Унинг моҳияти шундаки, халқимизга хос бўлган хайр-эҳсон, меҳр-мурувват, саховат ишларига кенг имкон очилади. Бу маблағ аввало Қарияларни қадрлаш йили Давлат дастурининг амалда бажарилиши, хусусан, қарияларимизни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, маданий-маърифий тадбирлар уюштириш мақсадига хизмат қилади. Маҳаллаларимизда яшаётган етим-есирлар, кам даромадли оилалар фарзандлари, ёлғиз қариялар, ногиронларни моддий томондан қўллаб-қувватлаш каби хайрли ишларга муносиб улуш бўлиб қўшилади бу маблағ. Шунингдек, «Маҳалла» хайрия жамғармаси фаолиятининг энг асосий қирраларидан бўлган маҳаллаларимизнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, уларни моддий ва мулкий томондан қўллаб-қувватлаш, маҳаллада гузар, кутубхона ва бошқа маданий-маиший иншоотлар қуриш, таъмирлаш, мактаблар, болалар боғчалари фаолиятига, уларнинг қурилиши, таъмирланиши учун кўмаклашишга сарф этилади.

Кўриниб турибдики, бу йилги баҳор ана шундай кўнгилли юмушлар билан бошланди. Ободонлаштириш ойлиги ҳар бир маҳаллада янада самарали ўтиши, 16 март оммавий ҳашар сафарбарлиги учун биз сизни даъват этамиз, азиз маҳалладошлар.

ЎЗБЕКИСТОН «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ РЕСПУБЛИКА БОШҚАРУВИ ВА БЎЛИНМАЛАРИНИНГ ҲИСОБ РАҚАМЛАРИ

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви
х/р 20212000300153649001, «Ипак йўли» инновация-тижорат банки, МФО 00444, ИНН 200896691

Қорақалпоғистон Республикаси бўлими
х/р 20212000100314937001 Нукус саноатқурилиш банки, МФО 00621

Андижон вилояти бўлими
х/р 20212000500568395001 АТБ Ҳамкор банк, МФО 00083, ИНН 2002312221

Бухоро вилояти бўлими
х/р 20212000500310187001 «Уйжойжамғармабанки» Бухоро ш. бўлими, МФО 00088

Жиззах вилояти бўлими
х/р 20212000300304611002 «Уйжойжамғармабанки» Жиззах шаҳар бўлими, МФО 00122

Наманган вилояти бўлими
х/р 20212000900307032001 Мададкор Саноат қурилиш банки, МФО 00223

Навоий вилояти бўлими
х/р 20212000700579318001 АК Тадбиркор банк Навоий ш. МФО 00198, ИНН 200004265

Сирдарё вилояти бўлими
х/р 20212000400209376001 Гулистон ш. Пахта банк, МФО 00365

Самарқанд вилояти бўлими
х/р 20212000900436772001 СГАИ «Замин» банки Самарқанд ш. МФО 00262, ИНН 200610690

Сурхондарё вилояти бўлими
х/р 20212000200312153001 Термиз Саноат қурилиш банки, МФО 00356

Тошкент вилояти бўлими
х/р 20212000900132942001 Тошкент вилояти бўлими Пахта банки, МФО 00454, ИНН 200548395

Фарғона вилояти бўлими
х/р 20212000800487412001 Фарғона Саноат Қурилиш банки Улуғбек бўлими, МФО 00544, ИНН 200152526

Хоразм вилояти бўлими
х/р 20212000600431863001 Пахта банк Ургенч ш. МФО 00548, ИНН 200410663

Қашқадарё вилояти бўлими
х/р 20212000500471746001 ЖСБ, Қарши бўлими, МФО 00190

Тошкент шаҳри бўлими
х/р 20212000900101765001 Жилсоцбанк Меҳнат бўлими, МФО 00423

Хабар

ОВУЛДА ЯНГИ ШИФОХОНА

Конимех туманидаги «Маданият» қорақўлчилик ширкат хўжалигида қишлоқ врачлик пункти иш бошлади.

Навоий вилоят марказидан қарийб 200 чақирим олисда, Қизилқум чўлида яшаб меҳнат қилаётган овул аҳли эндиликда даво излаб узоққа бормайдиган бўлди. 50 беморга хизмат кўрсатадиган ушбу шифо масканида терапия, педиатрия, физиотерапия, эмлаш бўлимлари мавжуд бўлиб, бу ерда 2 врач ва 8 ҳамшира меҳнат қилади.

Шифохонада «Қарияларни қадрлаш йили» муносабати билан 10 ўринли кундузги стационар ташкил этилди. Бу ерда даволанаётган қариялар бепул дори-дармон ва тушлик овқат билан таъминланади.

- Овулимизда қишлоқ врачлик пунктининг ишга тушиши бизни беҳад қувонтирди,- дейди чўпонлар оқсоқоли, кекса чорвадор Турон Қистовбоев. - Энди дўхтирлар ёнимизда. Соғлиғимизни тиклаш учун барча шарт-шароит мавжуд.

Ёркул УМАР,
ЎзА мухбири.

ДИҚҚАТ: КЎРИК-ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат Кенгаши, Республика Ички ишлар Вазирлиги, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси «Нуроний» жамғармаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорликда «Қарияларни қадрлаш йили» Давлат дастури талабларини амалга жорий этиш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни янада самарали ташкил этиш мақсадида «Миллий қадриятлар ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тарғиб қилишда энг фаол қатнашган маҳалла оқсоқоли» Республика кўрик-танловини ўтказади.

Кўрик-танлов Низоми ушбу сонда эълон қилинмоқда.

2 саҳифада

БОҒ ЯРАТГАН КЎП ЯШАЙДИ

Агар биз узоқ умр кўрган кишилар билан суҳбатлашсак, улар доимо соф ҳаво қучоғида табиат билан ошно бўлганликлари ҳақида сўзлашади. Табиат инсоннинг дўсти, у ўзига меҳр қўйган кишига бутун сиру асрорини очади.

Ёши тўқсондан ошган Уммат ота Сафаров бу ҳақиқатни ўз ҳаётида кўп маротаба синаб кўрган. Сирдарё вилоятининг «Оқ олтин» туманидаги «Мустақиллик» ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи табаррук отахон хўжаликда бош аграном бўлиб ишлаётган ўғли Худойберди билан бу ҳақда тез-тез суҳбатлашиб туради. Ота-ўғил ҳаётнинг чин мазмунини дарахт экиб боғ яратишда деб билишади. Айни вақтда Уммат ота Наврўзолди ободонлаштириш ойлиги юмушларида фаол иштирок этмоқда.

Суратда: Уммат ота Сафаров ўғли ва набирасига дарахт экишнинг савоб юмуш экани хусусида сўзлаб бераётир.

Раҳмонали АКБАРАЛИЕВ суратга олган.

Маҳалла мадҳи

ҚАЛБИМИЗ НУРИ

Маҳалла бир гўша, ёниқ чироғи,
Кўни-қўшниларга ҳушёр қулоғи.
Ҳамиша қайнайди ҳаёт булоғи,
Маҳалла уймиз, қалбимиз қўри,
Етти пушт авлодим ёриттан нури.

Унда оқсоқолдир доим ишбоши,
Бир оила мисол кекса-ю ёши.
Улоқсиз ўтмайди тўй суннат оши,
Маҳалла уймиз, қалбимиз қўри,
Етти пушт авлодим ёриттан нури.

Аллоҳга юракдан қилар илтижо,
Яхши ниятларни айлайди бажо.
Елиб-югурадя гар бўлса қазо,
Маҳалла уймиз, қалбимиз қўри,
Етти пушт авлодим ёриттан нури.

Оташ ХОЛМИРЗАЕВ.

ШУ СОННИНГ

2 САҲИФАСИДА

- *Кўрик-танловда қатнашинг, меҳнатингиз самарасини элга кўрсатинг, оқсоқол!*
- *Ҳайдар ака хайрли ишларги ҳамиша бош-қош.*
- *Дунёнинг юмушлари, ташвишлари турфа...*

3 САҲИФАСИДА

- *Хонобод ҳақиқатдан обод маскан.*
- *«Жийрон отни жондан суйгандик...»*
- *Робот мушукдан тирик мушук афзалроқ экан.*

4 САҲИФАСИДА

- *«Пиёлани «дўқ»иллатма, хотин, хафа бўламан!»*
- *Бодом гуллаганда, юрак жўшганда - шеър туғилди!*
- *Тасбеҳ ўгириш, юрагингизга қувват бўлади.*

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Телефонлар:
Масъул котиб: 136-53-75
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

ХАЛҚАРО ҲАЁТ ПАНОРАМАСИ

ҚУРБОНЛАР ХОТИРАСИ

Душанба куни америкаликлар 11 сентябрь воқеасининг ярим йиллиги муносабати билан қурбонларни эслаш маросимини ўтказишди. Мамлакатнинг икки йирик шаҳарида рўй берган бу фожеа уч мингдан ортиқ бегуноҳ кишиларнинг ёстиғини қуритди. АҚШ президенти Ж.Буш халқаро терроризмга қарши олиб бориладиган курашнинг иккинчи босқичи бошланишини ва у террорчиларни қўллаётган давлатларга қарши қаратилишини уқтирди.

АРОФАТ ИЖОЗАТСИЗ ЮРМАЙДИ!

Исроил бош вазири А.Шарон Фаластин маъмурияти раҳбари Ё.Арофатга нисбатан қўлланиб келинган чеклов бекор қилинганлигини билдирган. Маълумки, ўтган йилнинг декабридан ўз қароргоҳида ушлаб турилган Ё.Арофат Исроил томони қўйган талабларни бажарган. У Исроил амалдорини ўлдиришда гумон қилинган шахсларни ҳибсга олишга буйруқ берган. Шундай бўлса ҳам Ё.Арофат бундан буён бошқа давлатларга бориш учун Исроил давлатининг рухсатини олиши лозим.

САҚЛАНГАННИ САҚЛАЙДИ...

Би-БИ-Си тарқатган хабарга кўра, Тожикистонда аср вабоси СПИД касалига йўлиққанлар сони ошиб бормоқда. Ўтган йили шу касаллик туфайли уч киши ўлган. Халқаро Сорос жамғармасининг ҳисобича, ВИЧ инфекциясига чалинганлар 48 нафарга етган, яъни ўтган йилдагидан тўрт мартага ўсган. Мутахассисларнинг фикрича, ишлаб чиқилган лойиҳалар етарли натижа бермаяпти.

ЭШИК ОЧИҚ БЎЛГАНДА ЭДИ...

Саудия Арабистонининг Макка шаҳридаги мактабларнинг бирида чиққан ёнғин туфайли 14 қиз ҳалок бўлиб, 50 нафари жароҳатланган. Мактаб эшикларини ёпиб қўйилганлиги, қизларни ёнғин пайтида қочиб чиқишларига имкон бермаган.

ШАҲИДЛАР ХОНАДОНИГА ЁРДАМ

Ироқ бош вазири ўринбосари Т.Азиз мамлакатда бўлиб турган араб давлатларининг намоёндалари олдида сўзлаган нутқида унинг давлати Исроил томонидан ҳалок этилаётган ҳар бир фаластинлик шаҳидларнинг оиласига 25 минг АҚШ доллари ҳажмида ёрдам беришини айтган. Бу ҳақдаги хабарни Эрон радиоси тарқатган.

МУҲОЖИРЛАР, ОРОЛЛАРГА МАРҲАМАТ!

Австралия ҳукумати мамлакатга кириб келаётган ноқонуний муҳожирлар сони ортиб бораётганидан ташвишда. Эндиликда ҳукумат қочқинларни мамлакат ҳудудига мутлақо киритмасликни режалаштирмоқда. Бундан буён муҳожирларга Австралиядан узоқроқда жойлашган оролдардан бошпана берилиши мумкин.

Бухоро

ЮЗ ЁШЛИЛАР ЮЗЛАРИДА НУР

Қурбонгул момо Маманова шундай дейди:

-Оғир даврларни кўрдим. Тош келса кемириб, сув келса симирдим. Бугунги янги замонларга эсон-омон етиб келдим. Аллоҳга беадад шукрлар бўлсин...

Бир юз икки ёшга кирган бу табаррук момо кўнгил сўраб келиб, хайру саховат кўрсаттанларни тинмай дуо қиларди. Шу куни момо яшаётган Навбаҳор туманидаги «Истиқлол» ширкат хўжалигининг кўплаб юз ёшлилари дуога қўл очдилар. Улар Навоий вилояти «Маҳалла»хайрия жамғармаси фаолларига миннатдорчилик билдирдилар.

Қизилтепалик Холиқ Нарзиев, навбаҳорлик Чиннигул Қаҳҳорова, томдилик Абдимурод Бозоров, нуроталик Наим Ғафуров каби кексалар ҳам йўқлаб келганларни алқаб, «Бизларга кўрсатилаётган ғамхўрлик учун юртбошимизга, сизларга мингдан минг раҳмат» дейишди.

-Жамики қишлоқ ва маҳаллаларда бўлиб, қарияларга шу кунгача бир миллион сўмликдан зиёд совға-саломлар улашдик, - дейди жамғарманинг ижрочи директори Собиржон Муқимов. - Ҳомийларимиз бизга яқиндан кўмак беришди. «Навоийсавдо», вилоят кон металлургия комбинати, вилоят пахта тозалаш заводи, дон маҳсулотлари ҳамда 2-қурилиш монтаж бошқармаси сингари ўнлаб корхона ва ташкилотлардан совға-саломлар учун маблағ ажратилди.

Ҳа, кексалар дуосини олган киши асло кам бўлмайди. Шундай олижаноб кишилар сафи янада кенгайса, деймиз.

Ёркул УМАРОВ.

Қоракалпоғистон

ХОРИЖЛИКЛАР КЎМАГИ

Мураккаб экологик вазият ва сув тақчиллиги ҳамда қурғоқчилик юз берган Оролбўйи ҳудудида истиқомат қилаётган аҳолига, айниқса, болаларга изчил равишда инсонпарварлик кўмаги кўрсатилмоқда. Бундай савобли ишда хориж ташкилотлари, жамғармалари ҳам фаол қатнашаяпти.

Куни кеча Кўнғирот туманидаги умумтаълим мактабларида ўқиётган 106 нафар ногирон болаларга инсонпарварлик ёрдами берилди. Асосан кийим-кечаклар, ўқув қуролларидан иборат юклар АҚШ, Япония, Германия мамлакатларидан келтирилди.

«Фегас ал-Фалаж» ногирон болаларни реабилитация қилиш маркази вакиллари томонидан инсонпарварлик ёрдамини топшириш маросимларида маҳалла ва овул фуқаролар йиғинлари фаоллари қатнашди.

Хорижликларнинг бундай инсонпарварлик кўмаклари Оролбўйидаги бошқа туманларда ҳам амалга оширилди.

Асилбек ИСКАНДАРОВ,
«Mahalla» мухбири.

Истиқлол маҳалласи фуқаролар йиғини раиси С.Шарофиддинов маҳалла фуқароси Илҳомжон Ибрагимовга посбонлар сардори бўлишни таклиф қилганда у ҳеч иккиланмай рози бўлди.

ИСТИҚЛОЛ ПОСБОНИ

Мана тўрт йилдирки, Илҳомжон ўзига юклатилган масъулиятли ва шарафли вазифани виждонан адо этиб келмоқда. Бунга Илҳомжоннинг тартибга солинган ҳужжатлари ва меҳнат натижалари жамланган дафтари яққол гувоҳлик бериб турибди.

Истиқлол маҳалласи фуқаролар йиғини идорасининг бир бурчагида Абурайҳон Беруний сиймоси туширилган катта лаган жилоланади. Бу эсдалик лаган Илҳомжон маҳалла фуқаролар йиғини котиби Жамбулжон Мўсоев билан бирга тумандаги «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллаб, қўлга киритган соврини.

- Ўйлайманки, - деди Илҳомжон суҳбат чоғида - маҳалла посбонлари тузилмасининг ташкил этилиши жуда ўринли бўлди. Биз маҳалланинг 10 нафар посбони билан биргаликда кўпроқ кечалари ишлаймиз. Ишимиз минтақавий нозирлар билан ҳамкорликда маҳаллани назорат қилиш. Ва кўпинча кечалари анчагина нарсаларнинг шоҳиди бўлганмиз. Бир қанча бегона одамларни аниқлаб, туман ИИБ ҳисобига топширдик. Асосийси маҳаллада 3 та хавфли ёнғин ҳолатлардан хабардор бўлиб, олдини олдик ва бартараф этдик. Маҳалла посбонлари ҳамиша маҳалланинг ҳар қандай ҳолатларидан хабардор бўлиб туришади.

Ахроржон ҲАМАЛОВ.
Фарғона вилояти
Сўх тумани.

Шарҳловчи минбари

ЗИМБАБВЕ: УЧ КУНГА ЧЎЗИЛГАН САЙЛОВ

Шу кунларда Зимбабведа сиёсий вазият танг аҳволда. Роса уч кунга чўзилган президент сайлови анча-мунча тортишувларга сабаб бўлаётир. Душанба куни сайлов расман тўхтатилган бўлса-да, сайлов участкаларида узундан-узун навбатда турган фуқароларни тарқатиш осон кечмаяпти. Кузатувчиларнинг айтишича, овоз беришга улгуролмаган сайловчилар сони анчагина.

Мухолафатдаги Демократик ўзгаришлар ҳаракати (ДЎҲ) талаби билан мамлакат Олий суди сайлов муддатини уч кунга узайтирган ва буни халқаро кузатувчилар ҳам маъқул топганди. Негаки, мамлакатнинг ҳамма бурчагида аҳвол бирдек эмас. Айрим жойларда аҳоли сайловда иштирок этолмаяпти. Бундан ташқари, сайлов участкаларида овоз бериш тартиби яхши ташкил этилмагани боис, сайловчиларнинг узун навбатлари юзага келди. ДЎҲ вакилларининг айтишича, амалдаги президент Роберт Мугабе билан беллашаётган Морган Цвангираи тарафдорлари кўпчиликни ташкил қиладиган ҳудудларда овоз бериш белгиланган вақт тугамасидан тўхтатиб қўйилган.

Дастлабки маълумотларга кўра, асосан Р.Мугабени қўллаб-қувватловчи аҳоли яшайдиган туманларда сайловчиларнинг 68 фоизи овоз беришга улгурган. М.Цвангираи тарафдорларининг эса 47 фоизи ўзининг сайлаш ҳуқуқидан фойдалана олган.

ДЎҲ раҳбарияти Олий суддан сайлов учун яна бир кун қўшиб беришни сўрагач, ҳукумат овоз беришни бутунлай тўхтатиш тўғрисида фармойиш чиқарди.

Зимбабведаги президент сайлови хорижий кузатувчиларни ҳам беэътибор қолдиргани йўқ. Яқинда АҚШ ва Европа Иттифоқи Роберт Мугабени агар сайлов эркин ва демократик тарзда ўтказилмаса, бу мамлакатга нисбатан халқаро иқтисодий жазо чораси жорий қилиниши мумкинлигини айтиб огоҳлантирганди. Австрия ташқи ишлар вазири Бенита Ферреро-Вальднер Зимбабведаги сайловни ҳаққоний деб топмади. Фуқаролар участкаларга бемалол бориб, овоз беришига йўл қўйилмаётган экан, бу сайлов ҳақида ижобий гап айтиб бўлмайди, деди у.

Бундан ташқари, Зимбабве президенти матбуот эркинлигига тўсқинлик қилаётганликда ҳам айбланмоқда.

Ғайрат САЙДУЛЛАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Маҳалла фидойилари

САВОБ БИЛАН УЛУҒДИР ОДАМ

Кашқадарё

Ўшанда ҳам айни баҳор эди. Ҳайдар ака хизмат тақозоси билан «Мусофир ота» қабристони ёнидан ўта туриб, юзларига фотиҳа тортди. Биз тириклар шу муқаддас жойни обод қилиш учун қандай хайрли ишлар қилаяпмиз? Бу савол Ҳайдар аканинг тинчини йўқотди.

Тан олиш керак, ўша кезлари фақат юқорининг талаби ва рухсати билангина янги ишга қўл урилар эди. Эътиқод эса кейинга сурилган пайтлар эди. Ҳайдар ака қатъиятли инсон эмасми, чўчимади. Дастлаб бир-иккита йиғинларда қабристонларни обод қилиш зарурлиги ҳақида кўпчиликка даъват билан чиқди. Маҳалладошларини ана шу савобга чорлади. Туманимиздаги «Мусофир ота» қабристонини ободонлаштириш ана шу тарзда бошланди. Ҳайдар ака турли вазифаларда ишлаётган, ўз имкониятига ишонган, дили, қўли очиқ яқинларини савобга чорлади. Табиатан бир сўзли, қатъиятли Ҳайдар аканинг яқинлари уни тушундилар. У кўпроқ қадрдон дўсти раҳбарликда тажриба ертирган Я.А.Илиадининг ёрдамига таянди. Унинг кўмаги билан атрофи очиқ, қаровсиз ҳолда ётган қабристон темир панжаралар билан девор қилинди. Ичкари ва ташқи йўлкаларга асфальт ётқизилиб, арча ва манзарали дарахтлар, атиргуллар экилди.

Ҳозирда ўша кезлари экилган арчалар, дарахтларнинг салобатини кўриб ҳайратингиз ортади. Дарахтларнинг бўйлари ҳам чўзилиб кетган. Қабристонга кираверишга дарвоза қурилиб, катта гумбаз қайтадан қад ростлади. Қабристон атрофига 10 та бетон симёғоч, тунги ёқгичлар ўрнатилди.

Очиғи, бир қарашда ҳаммаси силлиқ кечганга ўхшайди. Ҳайдар ака Даминов бу ишларга осонликча эришгани йўқ. Ота етти ўлчаб, бир кесадиган инсон. Унинг умр йўллари ҳам оддий эмас. Қарийб 45 йил молия соҳасида фаолият кўрсатиб келди. 2 йил «Дагар бобо» кичик корхонасида маслаҳатчи ҳуқуқшунос бўлиб, ёшларга йўл-йўриқ кўрсатиб турди. Ҳозирда мазкур кичик корхона ҳисобида 2 та савдо дўкони, етмиш ўринли ошхона, иккита сомсахона ишга туширилиб, элга хизмат кўрсатмоқда.

Ҳайдар ака катта оиланинг соҳиби. Назокат ая билан ўн нафар фарзандни улғайтиришди. Ҳозирда 34 невара, 6 чевара оиланинг қувончларидир. Ҳайдар ака яхши бир гапни айтдилар. «Балиқчилик, асаларичилик, тегирмон ва қандолатчилик сингари хизмат турларини кенгайтириш ниятимиз бор. Насиб этса, Қарияларни қадрлаш йилида боғимизни янада яшнатиб, қарияларимизни вақти-вақти билан бир пиёла чойга таклиф этмоқчиман. Мени қўллаган дўсту биродарларим омон бўлишсин!»

Ҳайдар ака савобни қадрлаган, улуғлаган инсон. Маҳаллада Наврўз байрамлари арафасида бу инсонни маҳалладошлари билан хайрли ишлар тараддудида юрган ҳолда учратасиз. Маҳаллани ободонлаштириш, сув чиқариш, кимгадир кўмак бериш, турли тадбирларни ташкил этиш дейсизми, кўчат экиш дейсизми, барча хайрли ва савоб ишларда унинг қатъиятли, бир сўзлиги сезилиб туради.

Саъдулла ЎЛЖАЕВ,
«Маҳалла» жамғармаси
Ғузор тумани бўлинмаси раиси,
Замира МАМАТҚУЛОВА,
журналист.

Суратларда:

ЯНГИ ЧОРСУНИНГ ЯНГИ ГУЗАРИ

Қўқон шаҳрининг Янги Чорсу маҳалласида қад кўтарган миллий услубдаги ушбу гузар маҳалла аҳлининг маданий-маърифий ҳордиқ чиқарадиган масканига айланди. Айниқса, Қарияларни қадрлаш йилида гузарга ташриф буюрувчи маҳалланинг ёши улуғ, нуроний кексаларига ва меҳмонларига алоҳида иззат-икром кўрсатилмоқда.



Фахр

БИЗ КАТТАБОҒДА КАТТА БЎЛГАНМИЗ

Маҳалламиз кўп жиҳатдан тилга тушган. Аслида унинг тарихи ҳам узоқ йилларга бориб тақалади.

Кексаларнинг айтишларича, улуғ ўзбек адиби Абдулла Қодирий маҳалламизнинг илк тамал тошини қўйганлардан бири экан. Адиб яшаган ҳовлидан ҳали-ҳануз зиёратчилар қадами узилмайди.

Биз яшаётган масканда-ги энг қадрланадиган удум - инсоний меҳр-мурувват бўлса керак. Бир-бирини йўқлаб, ҳолидан хабар олиш, айниқса хасталар ва кексаларга ғамхўрлик қилиш одатий ҳол саналади. Ҳайит ва Наврўз байрамларида янада жипслашамиз, янада бағрикенг ва сахийроқ бўламиз. Бу кунларда қариялар дуосини олиш, уларни иззатлаш ҳар биримизнинг бурчимизга айланади.

Маҳалламиз фаолларининг саъйи ҳаракатлари билан Гулираъно, Замин, Атиргул кўчалари исми жисмига монанд бўлиб, кун сайин чирой очмоқда. Барча кўчалардаги хонадонлар атрофи гулзорга айлантирилган. Бизнингча, ҳадемай Шайхонтоҳур туманидаги барча маҳаллалар орасида бизнинг Каттабоғимиз энг чиройли маҳалла бўлиб қолади.

Малика ОРТИҚОВА.
Тошкент шаҳри.

«МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШДА ЭНГ ФАОЛ ҚАТНАШГАН МАҲАЛЛА ОҚСОҚОЛИ» РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ

НИЗОМИ

1. Кўрик-танлов мақсади

Кўрик-танлов «Қарияларни қадрлаш йили» муносабати билан уюштирилиб, халқимизнинг миллий ва маънавий қадриятларини эъзозлаш, ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, диний экстремизм оқими таъсирига тушиб қолган шахслар билан профилактик ишларни яхшилаш, ёшларнинг Конституциямизни ўрганишида, уларнинг ҳуқуқий билимларини оширишда қарияларимизнинг билим ва тажрибаларидан кенг фойдаланишни кўзда тутади. Ёшлар орасида маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни тасвирий ва бошқа тарғибот воситалари орқали янада яхшилашда йил давомида ушбу йўналишда барча ташкилий ва амалий ишларни, «Нуроний» жамғармаси жамоатчилик маркази ва маҳалла милиция таянч пункти фаолиятлари ҳамкорлигини яхши йўлга қўйишда энг фаол бўлган маҳалла оқсоқолини аниқлашга қаратилади.

2. Кўрик-танлов шартлари:

а) Миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойиллари асосида халқимизга хос асрий анъаналарни, оилаларда тинчлик ва тотувлик, маҳаллада барқарорлик муҳитини шакллантиришга оқсоқолларнинг қўшаётган ҳиссалари, соғлом авлодни тарбиялашда уларнинг бой маънавий, касбий ва ҳаётий тажрибаларини ёшларга етказишни таъминлаш;

б) ёшлар орасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари фаолиятини, Низомнинг биринчи бандида кўрсатилган мақсадларни маҳалла оқсоқоллари фаолияти билан мувофиқлаштириш;

в) аҳоли зич яшайдиган жойлар - маҳалла, гузар, қишлоқ ва шаҳарларда маданий, маърифий, ҳуқуқий тарғибот ишларини ва бу фаолиятнинг таъсирчанлигини «Нуроний» фахрийлари ва маҳалла фаоллари ёрдамида янада ошириш;

г) аҳоли ва ёшлар орасида меросий, маданий ва маърифий билимлар, қадриятлар, урф-одатларимизнинг тарғиботи, шу жумладан ташқи тасвирий тарғибот воситалари ва уларнинг таъсирчанлигини янада ошириш;

д) маҳалла ёшлари орасида таълим дастурида белгиланган талабларни ҳаётга жорий қилишда, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишдаги профилактик ишларда, диний экстремистик оқим таъсирига тушиб қолган шахслар билан ишлашда «Нуроний» жамғармаси ва маҳалла фаолларининг фаолият таъсирчанлигини ошириш;

ж) давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, озод ва фаровон ҳаёт барпо этиш ишига муносиб ҳисса қўшаётган маҳалла оқсоқоллари ва «Нуроний» фахрийлари фаолияти таъсирида, турли динга мансуб юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ўртасида байналмилал тарбияни кучайтириш, улар орасида ўзаро ҳурмат ва дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш каби хислатларни қўллаб-қувватлаш.

3. Танлов босқичлари

Биринчи босқич - кўрик-танловнинг ташкилий қисми бўлиб, маҳалла оқсоқолларининг, «Нуроний» жамғармаси жамоатчилик маркази, маҳалла милиция таянч пунктлари ёрдамида аҳоли ва ёшлар орасида Низомда белгиланган талаблар бўйича маданий-маърифий, ҳуқуқий тарғибот ишларини ташкил қилиш.

Муддат: 2002 йил январдан сентябргача

Иккинчи босқич - маҳаллалар, маҳалла милиция таянч пунктлари, шаҳар ва қишлоқларни ҳуқуқий тасвирий тарғибот воситалари билан безаш ишларини яхшилаш, қарияларнинг ёшлар орасидаги тарбиявий фаолиятларининг таъсирчанлигини оширишда фаол қатнашган маҳалла оқсоқолларини аниқлаш. Туман, шаҳар ва вилоят ташкилотчилари ўз қўшма қарорларида ҳар бир ғолиб маҳалла оқсоқолини пул маблағи ва қимматбаҳо совға билан мукофотлашни белгилайдилар. Шунингдек, ғолибларни тақдирлашга жойларда ҳокимликлар ёрдами билан ва хайрихоҳ ташкилотлардан қўшимча мукофотларни ташкил этиш тавсия этилади.

Муддат: 2002 йил августдан 15 сентябргача

Учинчи, якуний босқич - кўрик-танловнинг умумий мақсад моҳиятидан келиб чиққан ҳолда аҳоли, ёшлар, фуқаролар орасида маданий, маърифий қадриятлар ва ҳуқуқий билимларни тарғиб қилишда энг фаол маҳалла оқсоқоли, «Нуроний» жамғармаси маркази, маҳалла милиция таянч пункти аниқланиб, улар ҳақидаги тўлиқ маълумот 2002 йил ноябрь ойида Республика кўрик-танловининг ҳайъатига тақдим этилади. Кўрик-танлрвнинг Республика якунлов босқичи Конституция байрами арафасида (25 ноябрь - 5 декабрь оралиғида) ўтказилади.

Муддати: сентябрь - октябрь ойлари

Ушбу Низомга асосланган ҳолда кўрик-танловни ўтказишга туман, шаҳар, вилоят бўйича тузилган ҳайъат аъзолари раҳбарлик қиладилар. Улар ўз шароитларидан келиб чиқиб ғолибларни аниқлайди ва тақдирлайдилар.

Кўрик-танловни якунлашда туман, шаҳар ҳайъатлари бир номзодни вилоят ҳайъатига тақдим этади.

Кўрик-танловнинг туман, шаҳар ғолибларини вилоят ҳайъати ўрганиб, вилоятдаги ғолиб маҳалла оқсоқоли, «Нуроний» жамоатчилик маркази ва маҳалла милиция таянч пунктини аниқлаб, Республика ҳайъатига тақдим этади.

Республика кўрик-танлов ҳайъати 1-, 2-, 3,- ўрин соҳибларини аниқлайди ва тақдирлашга тавсия этади.

4. Ғолибларни тақдирлаш

Кўрик-танловнинг Республика босқичи ғолибларига қуйидаги мукофотлар топширилади:

учта биринчи ўрин учун ҳар бирига 300.000 сўмдан;
учта иккинчи ўрин учун ҳар бирига 200.000 сўмдан;
учта учинчи ўрин учун ҳар бирига 150.000 сўмдан;
ўнта рағбатлантирувчи мукофот, ҳар бири 50.000 сўмдан.

Шунингдек, ушбу кўрик-танловни ташкил этишда фаол иштирок этган «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари фаолларига

12 та - 30.000 сўмдан пул мукофоти;

мамлакат бўйича «Қарияларни қадрлаш йили»да энг фаол қатнашган «Нуроний» жамоатчилик марказлари раҳбаридан

4 кишига ҳар бирига 30.000 сўмдан пул мукофоти;

энг фаол қатнашган маҳалла посбонлари сардоридан 4 кишига 30.000 сўмдан пул мукофоти;

энг фаол иштирок этган маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раисларидан - 7 киши 30.000 сўмдан пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Кўрик-танлов ғолибларига фахрий ёрлиқ, диплом ва қимматбаҳо совғалар ҳам топширилади.

Ғолиб таянч пунктига бириктирилган профилактик нозирлар, туман, шаҳар ва вилоят ИИБ томонидан мукофотланади.

Кўрик-танловда ғолиб деб топилган энг фаол маҳалла оқсоқолларига «Ибратли маҳалла оқсоқоли», «Маҳалла жонкуяри» кўкрак нишонлари берилади.

Ибратли нуронийларга «Нуроний» жамғармасининг фахрий ёрлиқлари топширилади.

БАҲОР ГАШТИ, НАВРЎЗ САСИ КЕЗАР ЮРТИМДА

«MAHALLA» тавсияси

Хонободда ҳунарли, бунинг устига тадбирли одамлар яшашади. Бу қишлоқ фуқаролар йиғини маҳаллаларининг ободлигини айтмайсизми? Қандай қилиб обод бўлган, дерсиз? Ҳикоямиз худди шу ҳақда.

Агар шу кунларда қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида бирон бир тартибсиз ёки ивирсиб ётган жойни кўрмайсиз. Йиғин раиси Илҳом Жўраев шундай катта ҳудудни имкон қадар ҳар куни айланади. Маҳалла-кўй учун фаол бўлган одамни эъзозлайди, аксинча бўлса, аччиқ сўзини ҳам аямайди. У бизни Хонободга ўзи таклиф этди. Ўзининг эмас, «ҳудудимизда одамларнинг қай даражада аҳил бўлиб, фаолият кўрсатишини кўринг» деди. Кўрдик: бу ердаги яп-янги дўконлару, ҳатто мамлакатда кам учрайдиган «Хонобод отчопари»гача кишини лол этади. Тўғриси, ҳудуди пойтахтга туташганлиги учун тозаозодалиги билан шу атрофдаги шаҳар маҳаллаларига ўрнакдир бу маскан. Айни Наврўз арафасида бу жойда яратиш-яшнатиш ишлари қизғин.

ХОНОБОДГА

БИР ЭМАС, МИНГ БОР КЕЛИНГ...

Бугун бу ҳудудда Наврўз байрамига ҳозирлик, ободонлаштириш ойлиги муваффақиятли ўтаётганлигининг ҳақиқий намунасини кўриш мумкин

ФИРДАВС БОҒЛАРИДАЙ СУЛУВ

Кўчалари ораста. Ҳовлилардан ёзу қиш гул иси анқийди. Куюқ дарахтзорлар остидаги ўриндиқларда боболар гурунгги қизийди. Чаккасига райҳон қадаган момолар суҳбати эса тўйлар ҳақида! Балоғатга етган атирнафасли қизлар, ўқишу иш ташвишлари билан юрган сўзи тик, ўктам йигитлар Хонободнинг кўрки, чиройи. Аслида-у бу қишлоқ маҳаллаларининг шаҳарчадан ҳеч фарқи йўқ. Айниқса истиқлол йилларида у янада гўзаллашди. Катта-кичик хусусий корхоналар, савдо, маиший хизмат шахобчалари барпо этилди. Маънавий-маданий марказлар ҳисобланмиш гузарлар таркиб топди. Ободончилик, юмушлари, аҳолига газ ва ичимлик суви етказиб бериш билан боғлиқ қурилиш-созлаш ишлари ниҳояланди. Нақ ярим километрдан ошиқ йўлнинг икки чети ўрикзорга айлантирилди. Қишлоқнинг «Қорасув» деҳқон хўжалиги томон бурилиш йўлида бунёд этилган 240 квадрад метрли улкан панно ҳамманинг эътиборини тортади. Юртимиз тупроғида етиштириладиган анвойи ноз-неъматлар турли бўёқларда моҳирона акс эттирилган бу панно «Ўзбекистоннинг меҳмондўст, меҳнатсевар халқи унинг чинаккам бойлигидир!» деб номланади.

Қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида йиғирма мингдан ошиқ киши яшайди. Бундан уч йилча аввал Ўзбекистон Олий Мажлисида Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғининнинг ўзини ўзи бошқаришдаги тажрибалари ҳақида гап борди. Унда фуқаролар йиғини раиси Илҳом Жўраев кўпгина тажрибаларни ўртага ташлади. Ҳазилакам гап эмас. Демакки, бунинг замирида эл меҳнати, заҳмати, фидойилиги ётибди! Ўн етти маҳаллани жипслаштирган қишлоқ фуқаролар йиғини халқимизнинг кўҳна удумларига доимо амал қилади. Бу масканда бунёдкорлик юмушлари асосан ҳашар йўли билан амалга оширилиши айниқса мақтовга лойиқ.

ҲАШАР - ҲАР МАҲАЛЛАГА ЯРАШАР

Ўшанда Хонобод қишлоғи фуқароларининг катта йиғини чақирилди. Хўжаликлар, ташкилот ва муассасалар, кичик корхоналар раҳбарлари, якка тадбиркорлар иштирок этишди. Туман ҳокими сўзга чиқиб, қишлоқ ҳудудидаги 29-мактабнинг аянчли аҳволи, қўшимча синфхоналар қурилиши тезлаштирилмаётганини алоҳида таъкидлади. «Ички имкониятларни ишга солиш керакка ўхшайди» деди у. Шунда «Қорасув» деҳқон хўжалиги раиси Аъзам Абдувалиев куюниб сўзлади. «Қурилиш учун ер майдони ажратганимизгаям кўп йиллар бўлди, чиндан ҳам бу қурилиш чўзилгандан чўзилаяпти. Ҳашар йўли билан битирмасак бўлмайди!» деди. Биров яхши сўз айтса, «лаббай» деб қўшиладиганлар сероб, қишлоқда. Ўшандан сўнг ҳоким етакчилигида қурилиш штаби ташкил этилди. Қисқа вақт ичида қурилиш иши учун миллионлаб маблағ тўпланди.

Яқинда ишга тушган савдо дўкони

Етмиш йиллик тарихга эга бўлган эски мактаб биноси таъмирдан чиққач, янгидек бўлди. Кўпчиликнинг қўллаб-қувватлаши билан 320 ўринли мактаб биноси қурилиши жадал тус олдирилди.

Кейинги йиллар ичида деярли барча маҳаллаларда ҳашар йўли билан дорихона, сартарошхона, «Гўзаллик салони», озиқ-овқат ва гўшт дўконлари барпо этилди. Бу жойларда «ҳашар» деган сўз ҳар қадамда айтилади. Олмос, Соҳибкор, Қумариқ, Номданак, Иттифоқ, Наврўз, Гўзал, Ўзгариш маҳаллаларида ҳашар йўли билан йирик бунёдкорлик ишлари бажарилгани ҳақидаги суҳбатларни эшитасиз. Аждодларимиз удумини эъзозлаб келаётган хонободликлар ўзаро ҳамжиҳат бўлишиб, ўтган йил давомида 12.898 туп мевали дарахт кўчатлари экиб, кўкартирдилар. 3920 метр йўл асфальтланди. 5835 метр янги газ тармоғи барпо қилинди. 2315 метр ичимлик сув қувури тортилди, 30 дан ошиқ янги объектлар фойдаланишга топширилди. Бу ишларни бажаришга катта куч сарфлагани аниқ.

ҲОМИЙЛАР БОР БЎЛСИН

«Эл-юрт тақдирини чинаккам фидойи инсонлар ҳал қилади» деган эдилар Президентимиз. Аслида фидойи бўлмоқ осонми? Йўқ. Ўз ҳузур-ҳаловатидан кечиб, ўзгалар ташвиши учун куюнган кишигина чин маънода фидойидир. Қишлоқ ҳудудида ўн етти маҳалла бўлса, шу маҳаллалар оқсоқолларининг беш нафари маош олишади, қолганлари жамоатчилик асосида иш юритишади. Қумариқ маҳалласи оқсоқоли Аҳмаджон Мамадалиев 20 йиллик иш тажрибасига эга. Охунбобоев номли маҳалла оқсоқоли Шароф Аҳролов эса «Маҳалламизда бирорта ҳам кам таъминланган оила бўлмаслиги керак. Уларга ҳамиша ёрдам бериб туришимиз зарур» деган гапни кўп такрорлайди. Бу ерлик тадбиркорлар 4 та мактаб ва 4 та болалар боғчасини ўз оталиқларига олишган. Ҳомийларнинг мадади билан Иттифоқ маҳалласида гузар ва соғломлаштириш мажмуаси қурила бошланди.

Ҳомийлар кўмагида қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуди акс этган шундай тасвир яратилди.
Қишлоқ фуқаролар йиғининнинг раиси И.ЖЎРАЕВ (чапдан)

ОИЛА АҲИЛ, МАҲАЛЛА ТИНЧ

Қишлоқ фуқаролар йиғини маҳаллалардаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари фаоллигини кучайтирмоқда. Хотин-қизлар етакчилари орасида катта тажрибага эга бўлган жонкуяр ташкилотчилар, тадбиркорлар анчагина. Хурсаной Юнусова, Тоштилла Жўраева, Гулбаҳор Бўриева, Хайринисо Машрапова, Нодира Маннопова сингари фаола аёллар нафақат оилалар аҳиллигини сақлашда, балки тўй-маъракалар билан боғлиқ турлича йиғинларни қисқартиришга ҳам бош-қош бўлаяптилар.

«Аёллар майда-чуйда юмушлар ҳақида эмас, балки жамият тараққиётига ўз улушини қўшиш ҳақида фикр юритсалар, бунинг учун эса аввало давр янгиликларидан бохабар бўлиб, эртанги кунни кафтдагидек кўра билса, шундагина уларнинг маънавияти янгиланади!» Бу ҳар бир маҳалла фаолининг кўнглидаги гап. Кейинги йилларда бу аёллар ташаббуси билан пойтахтда яшаб ижод қилаётган олима, шоира, ёзувчи ва санъаткор аёллар билан учрашувлар ўтказиш одат тусига кирди. Мутахассислар иштирокида оила мавзусидаги давра суҳбатлари эса ўзўзидан қизғин тус олаётир. Ҳар бир аёлнинг оила ва жамиятдаги ўрнини яққол англашида бундай учрашув ва суҳбатларнинг аҳамияти беқиёс.

«Энг обод маҳалла» кўрик танловига

КИТОБ ЎҚИЙДИГАНЛАР КЎПАЙСА, ТАРТИББУЗАРЛАР ЙЎҚОЛАДИ!

Бу ўз-ўзидан аён. Қаерда маънавият тарбияси яхши ташкил этилган бўлса, ўша жойда майда безорилик ва тартиббузарликларга чек қўйилади. Маънавий-маърифий тарбиянинг ҳақиқий маркази эса кутубхонадир. Қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида иккита йирик кутубхона ишлаб турибди. 17 мингдан ошиқ китобга эга бўлган бу масканларга тез-тез янги китоблар келтирилади. Японларда бир ибора бор: «Халқнинг дастурхонини тўлдиришдан аввал миясини тўйдириш керак!»

Қишлоқ ҳудуди кенг, фуқаролар кўп, аҳён-аҳёнда тартиббузарликлар ҳам содир бўлиб турарди. Буларга чек қўйиш мақсадида барча маҳаллаларда «Маҳалла посбонлари» тузилмалари ташкил этилди. Эндиликда 50 га яқин халқ посбонлари жиноятчиликлар ва бузғунчиликларнинг олдини олиш учун ҳудудда инспекторлар билан баҳамжиҳат иш юритишаётир. Майда безорилик, ўғрилик ва тартиббузарликларни кўпинча бекор юрганлар содир этишади. Демак, жиноятлар илдизини қирқиш учун аввало бекорчиликка қарши курашмоқ лозим. Шу мақсадда янги иш ўринлари яратишга киришилди. Айни вақтда қишлоқ ҳудудидаги Олтинтепа, Қўшқўрғон, Замон, Хонобод, Раҳимжон номли деҳқон-фермер хўжаликлари, бундан ташқари 8 та фирма, 4 та кичик корхона, 5 та хусусий ошхона, 16 та ғишт қуйиш цехларида минг нафарга яқин кишилар иш билан таъминланган. Мактабни битириб бекор қолган ёшлар эса доимо назоратда туришади. Уларга иштиёқига қараб бирор ҳунар эгаллашига кўмаклашиш, ўқув курсларига таклиф этиш ёки йўл-йўриқлар кўрсатиб ҳаётда ўз ўрнини топиб олиши учун имкон яратиш чоралари кўрилади. Бундай юмушларга бош қўшишни ҳар бир хонободлик ўзига бурч деб билади.

ЕТАКЧИ

Аслида, эл ишончини қозониш осон эмас. Каттаю кичикнинг кўнглини топиб, уларнинг бошини қовуштириб, яхши ишларга жалб этиш эса етакчидан куч ва салоҳият талаб этади. Илҳом Жўраев ана шундай салоҳиятга эга бўлган инсон.

- «Қариси бор уйнинг париси бор» деб бежизга айтишмаган, чунки кексалари кўп қишлоқнинг ўзи ҳам файзли, - дейди Илҳом Жўраев. - Маҳалла ва қишлоқларимизнинг файзу баракотини ошириш учун аввало қарияларни асрашимиз зарур. Шу мақсадда, уларга намунали хизмат турларини ташкил этдик, Наврўз маҳалласида янги чойхона ва қариялар гузари ишга туширилди. Отахон ва онахонлар ҳордиқ чиқарадиган масканларни барпо этишга киришдик. Шунингдек, кам таъминланган хонадонлар, ёш болалар, оналар, хастаҳол кишиларга меҳр-мурувват бўлиш бирор лаҳза ёдимиздан чиққани йўқ. Ёш авлодни жисман ва маънан баркамол этиб тарбиялаш учун нимаики қилиш зарур бўлса, ҳаммаси асосий вазифаларимиз қаторидан жой олган. Ўз маслаҳати, мадади билан кўпга бош бўлаётган оқсоқолларимиз Салоҳиддин Чўтбоев, Аҳмаджон Мамадалиев, Салоҳиддин Муҳиддинов, Қозоқбой Шодиев, Эргаш Соиповлардан айниқса миннатдормиз.

Г.АБДУКАРИМОВА.
Тошкент вилоятининг Зангиота тумани.

«Хонобод» отчопарида ёшлар от чопмоқда

ОЛАМ ТУРФА

ОИЛАЛИЛАР УЗОҚРОҚ ЯШАЙДИЛАР

Кўпчиликка маълум бўлган бир ҳақиқатни, яъни оилавий эркакларнинг бўйдоқларга нисбатан узоқроқ умр кўриши ҳақидаги фикрни инглиз олимлари яна бир карра исботладилар.

Тажриба шуни кўрсатдики, оилавий эркакларда муҳим психологик факторлар - ўзаро ишонч ва бирбирига суяниш устун бўлади. Шефилд университетининг психология ўқитувчиси доктор Джомет Эмпсонинг таъкидлашича, ўзаро муомала кишининг жисмоний ва ақлий камолоти ҳамда яхши ҳаёт кечириши учун муҳимдир. Шу билан биргаликда сирдош, ҳақиқий ҳамсуҳбат кишининг бўлиши ҳам катта аҳамиятга эга. Олиб борилган тажрибаларнинг натижаси шуни кўрсатдики, уйланган эркаклар бўйдоқларга нисбатан стресс ҳолатларини енгил ўтказадилар, юрак, қон томир касалликларига кам учрайдилар.

АКУЛАЛАР ЙИРТҚИЧМИ?

Бу саволга жонзотларни ҳимоя қилувчилар, уларнинг ҳамма турлари ҳам ундай эмас деб жавоб берадилар.

Ҳақиқатдан ҳам бу денгиз жониворларининг айримлари беозор бўладилар. Уларнинг орасида шундай йиртқичлари ҳам борки бундайлари ўлжасини жуда узоқдан сезиб у томонга шиддат билан интиладилар. Баъзилари эса қорниларини тўйдириш мақсадида дуч келган нарсани ютиб юборавердилар. Акулалар қорнидан қоплаб картошка ё кўмир, этик ё пальто дейсизми, борингки пиво шишасидан тортиб динамитгача топилгани фикримизнинг ёрқин исботи бўла олади. Акулалар ҳаёти билан боғлиқ шундай воқеалар ҳам бўлганки кишини ҳайратга солади. Масалан тўрт метрлик бу йиртқич, денгиз остидаги бомбани ютиб юборибмиз, ўзи чил-парчин бўлиб кетган. Бундан ташқари уларнинг ичида бир-бирларини еб кун кечирадиган зотлари ҳам бор.

ФАҚАТ ЯПОНИЯДА СОТИЛАДИ

Японияда ўйинчоқлар чиқарадиган йирик корхона Айбо исмли робот-кучук ишлаб чиқарганидан кейин, робот-мушукни ишлаб чиқаришга киришди. Тўғри, бу робот-мушук ҳеч қандай буйруқни бажармайди, ўзича ҳаракатлана олмайди, бироқ уни силаганда муёвлайди.

Унинг лугатида 48 хил мушукларга хос товуш бор. Ушбу ўйинчоқнинг баҳоси оз эмас, кўп эмас 350 АҚШ доллари бўлиб, йилига 5 минг дона ишлаб чиқарилади ва фақат Япония бозорларидагина сотилади.

МУШУКНИНГ САДОҚАТИ

Молдавиянинг Окница қишлоғида яшовчи 58 ёшли Мария Чаосининг гапига қараганда уни нариги дунёга кетишдан мушуги сақлаб қолган.

Бироқ бечора тўрт оёқликнинг ўзи ҳалок бўлган. Воқеа бундай бўлган экан. Кампир уйда рўзғор ишларини қилиб юрганида тўсатдан юрак хуружи рўй бериб йиқилиб тушади. Оғриқнинг зўрлиги у ҳушидан кетади. Шунда гап нимада эканлигини ҳудди сезгандай унинг мушуги кампирни безовта қилаётган юрагининг устига ётиб олади. Жонивор шу ётганича деярли бир суткача то беморнинг қариндош-уруғлари етиб келгунларига қадар жойидан қимирламади. Кампирга касалхонада тегишли тиббий ёрдам кўрсатилгач, у ўзига келди. Мушукнинг ўлиғига кампирнинг фикрича, ўзидаги негатив энергияни жониворга ўтганлиги ва бунга у бардош бера олмаганлигидир.

Ф.ҒОЙИБОВ тайёрлади.

От йили хаёллари

«ЖИЙРОН, СЕН ДЕБ ҲАМОН КЎЗДА ЁШ»

Сурхондарё вилоят туғруқхона тизими бош ҳакими, тиббиёт фанлари номзоди Рустам Қорақулов ўз соҳасидан ташқари кўпкарига жуда қизиқади. От, кўпкари билан боғлиқ ўнлаб воқеаларни ҳикоя қилиб юради.

- Ёшим элликдан ошиб бораяпти. Лекин болалигимда гувоҳи бўлганим - бир воқеа ёдимга тушса, ҳали-ҳануз юрак-бағрим сув бўлади. Раҳматли отам Қулай бобо отга кўп меҳрибон, ишқибоз одам эдилар. У киши ўша йиллари мактаб директори бўлиб ишлардилар. 1952 йилда у кишини «партия топшириғи билан» янги ташкил бўлаётган Ленин номли колхозга (ҳозирги Ангор туманидаги «Қорасув» ширкат хўжалиги, партия ташкилоти котиби сифатида ишга юборишади. Колхоз тузиш учун тоғли Хўжанқо, Хатак қишлоқларидан одамлар кўчириб келтирилади.

Ҳуллас, отам кўпчиликка бош бўлиб, ишга бутун вужудлари билан берилиб кетадилар. У пайтларда автотранспорт яккам-дуккам эди. Раҳбарларнинг асосий улови от эди. Насли тоза, зотдор отлар ҳам кўп эди. Аммо 1961 йилдаги ўйловсиз ва ҳатто, аҳмоқона бир буйруқ билан отларга қирон келди десак, гапимизнинг ёлғони бўлмас, деб ўйлайман. Ўша даврдаги собиқ мамлакат раҳбари амрига кўра, отлар гўштга топширила бошлади. Отларнинг ана шу гўшт режасига биноан сўйилиб кетиши неча-неча алп йигитларнинг, кўксини баланд тутиб юрган эркакларнинг кўнглини вайрон қилди.

Отамнинг еру кўкка ишонмайдиган зўр жийрон оти бор эди. Отам меҳрини шу отга берган эдилар. Кунларнинг бирида отам одатдагидан кўра ҳорғин ва ғамгин ҳолда уйга кириб келдилар. Пешонасида юлдузсимон оқ белгиси бўлган жийрон отнинг ёнига дам-бадам бориб келавердилар. Отамнинг кутилмаганда отнинг ёнига серқатнов бўлганларидан онам ташвишга тушиб дедилар:

- Рустамжон, отнинг емини берган эдим-ку, нега отанг тез-тез жийроннинг ёнига бориб-келаяптилар?..

Онам билан иккимиз отамнинг изидан отхонага бордик. Отам раҳматли... отни қучоқлаб, бўйнига осилиб йиғлаётган экан.

Кейин кечаси биз ухлаб қолгандан кейин отам онамга дебдилар: «Болалар эшитмасин, ўксийди, мени бугун парткомиссияда муҳокама қилишди. Отларни катталарнинг буйруғига биноан гўштга топширишимиз керак экан. Бу шахсан Хрушчёвнинг топшириғи экан».

Мен шунда онамнинг йиғидан кўзлари қизариб, шишиб кетганини кўрганман. Ҳозир билмайман, лекин ўша йилларда отдан айрилиш давлат, мол-бисотнинг баридан айрилиш каби эди, юракдан айрилиш каби оғир савдо эди...

Эртасига эрталаб отни олиб кетиш учун комиссия келди. Шунда бир нарсани сезганмиз: олдинда муқаррар айрилиқ турганини сезганми, жонивор жийрон ипини ўзи узди ва томорқани айланди. Онам, акам, опаларим, отамнинг олдига келиб, хайрлашгандай бўлгани ҳали-ҳали кўз олдимда турибди. Биз ҳаммамиз жийроннинг кўзларидан оқаётган ёшларини кўриб ва унинг аламли чинқирганини-кишнаганини кўриб чидай олмадик. Онам эса дод солиб йиғладилар...

Онам гўшт комбинатига йўл олдилар. Мен ҳам ҳамроҳ бўлдим. Қариндошларимиздан бири гўшт комбинатида ишларди. Шу кишининг ёрдами билан жийронни сўйдирмай поезд билан Россияга жўнатиладиган гуруҳга қўшишга эришдик. Кейин вокзалга бордик. Вагонда кўп отлар билан бирга турган жийрон бизни кўриши билан оёқларини тикка кўтариб кишнади. Номаълум тарафларга, Ватандан олисларга, мусофир юртларга кетаётган жийроннинг кўз ёшлари шашқақатор бўлаётганини аниқ-тиниқ кўриб, онам билан мен ҳам кўз ёшларимизни яна тўхтата олмадик.

...Ёшим бир жойга етди. Аммо пешонасида оқ қашқаси бор жийрон отимиз ҳали-ҳамон болалигим қирларида ўйнаб-чопиб юргандек бўлади. Гоҳида у тушларимга ҳам киради, поёнсиз далаларда ўйнаб, кишнаб юрганини кўраман. Бу энди тушларимдагиси... Лекин унинг узоқ юртларга кетаётганини ўз кўзларим билан кўрганим сабаб, унинг сўнгги айрилиқ олдидан кишнаб, ҳасратли кўз ёшлари тўкиши сабаб ўксийман. Бу воқеа, таъбир жоиз бўлса, умрим китобидаги ғамгин, ҳасратли бобдир. Балки шундандир, ҳали-ҳали от кишнаганини эшитсам, адирларда чопиб юрган учқур отларни кўрсам, дилпора бўламан.

Менга ардоқли ва учқур жийронидан айрилган маъюс болалик хотираси доимо ҳамроҳ бўлиб қолди...

Маҳмуд АБУЛФАЙЗ ёзиб олди.
Сурхондарё вилояти.

Тараддуд

НАВРЎЗ- яшнатиш айёми

«Наврўз - ҳамалнинг бошланиши, умид ойи. Янги йил, янги кун ҳисоби ана шу ойдан бошлаб юритилади» дейилади тарихий манбаларда. Худди шу куни, яъни 21 мартда кеча ва кундуз тенглашади, кейин аста-секин узая бошлайди. Она табиат уйғонади, қиру адирлар бағри ям-яшил гилам тусини олади, ён-атрофдан чечаклар иси уфуради. Бободеҳқон худди шу лаҳзаларда ерга уруғ қадайди, Наврўзи айём кунларида қўлларини дуога очиб, ҳосилга барака, юртга омонлик, дастурхонларга тўкинлик тилайди.

«Уй-жойларни тозалаш, кўкат ва гуллар билан безатиш, ота-она яқин кишилар билан дийдорлашиб келиш оддий халқ орасида одат тусига кириб қолган» дейилади Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнома»сида. Демак, Наврўз фақат хурсандчилик байрамигина эмас, балки ён-атрофни тозалаш ва яшнатиш айёми ҳамдир. Шу куни уй ва ҳовлиларнинг ён-атрофлари тозаланади, кўчат ўтқазиш ва ариқ кавлаш ишлари бажарилади. Маҳаллаларда бу ишларга оммавий равишда киришилади. Ҳар бир маҳалла фаоли ёш-ялангаларни бундай савобли ва хайрли юмушларда қатнашишга ундайди, шу тариқа уларнинг кўнгилларида қадриятларимизга, урф-одатларимизга меҳр уйғотади. Кексаларнинг аҳволларидан хабар олиш, уларга имкон қадар совға-саломлар улашиш, ёш болали хонадонлар ва етим-есирларни йўқлаш сингари эзгу ишларга ҳам маҳаллалар оқсоқоллари бош-қош бўлишади. Ҳар қайси маҳаллада Наврўз ўзига хос тартибда ўтказилади, чиройли дастурхонлар атрофида куй-қўшиқлар янграб барчани хушнуд этади. Наврўз вилоятларимиз туманларида ҳам оммавий сайилга айланади. Қашқа воҳасининг Китоб, Шаҳрисабз, Ғузор, Қамаши, Чироқчи, Самарқанднинг Жомбой, Булунғур, Ургут, Жиззахнинг Бахмал ва Ғаллаорол, Навоий вилоятининг Нурота, Хатирчи туманларида бу байрам дашт ва адирлар бағрида ўтказилади. «Наврўз тантаналарида доимо деҳқончилик, ҳунармандчилик, санъат ва жисмоний баркамолликнинг ўзига хос намойиши бўлиб келган, - дейди адабиётшунос олим Урфон Отажонов. - Халқ сайилларида ҳунармандлар ўзлари ясаган ажойиб буюмларини, пазандалар пиширган ширинлик ва таомларини, полвон ва чавандозлар куч-қувват ҳамда маҳоратларини намойиш қилганлар. Сайилларда қизиқчи ва дорбозлар, сўз устаси - аскиячилар, қўғирчоқбозлар сайил аҳлининг кўнглини хушнуд этганлар. Табиат бағрида ёру-дўстлар, қариндош-уруғ, фарзандлар билан ўтказилган сайиллар ахлоқий, эстетик қимматга эга бўлиб, айниқса ҳозирги кунларда катта аҳамият касб этаётган экологик тарбияга - табиатни муҳофаза қилишга, уни севиш ва ардоқлашга ўргатади...»

«Гул гуллан ранг олади» деганларидек, хуш кайфият ҳаммага роҳат бағишлайди, яхши тилаклар ва истаклар кўнгилларга кириб боради, одамларни бирбирига яқин, ҳамдард, ҳамжиҳат қилиб қўяди. Кексаларимиз юртга шоду хуррамлик тилаб кафтларига дуо ўқийдилар. Момолар қизу набираларига қадимий ҳунарларни ўргатишади, уларга удумларимиз ҳикматидан сўзлардилар. Янги келинчаклар шу куни ёшу қарига саломга эгилишади, кўпчиликнинг дуосини олишади. Ҳар хонадонда яхши сўз айтилади, яхшиликларга қўл урилади. Токи, гўзал Наврўз кунидан бир ширин хотира қолиши учун янги бир иш бошлаш ниятида юрганлар кўпаяди. Кимдир шу куни ҳовлисига кўчат ўтқазади, кимдир ерга дон сочади, яна кимдир янги ҳунарни ўрганиб олади. Бу эса Наврўзнинг ўзига хослиги, ўзгача айём эканлигидан далолатдир. Наврўз то шу кунгача инсонларни фақат эзгулик ва яхшиликларга ундаб кетган.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ,
Нормўмин ЎТАНОВ.

Навоий вилояти

«ЁР-ЁР» АЙТИБ ТОШКЕНТГА...

Суратда: «Ёр-ёр» Наврўзга дастур ҳозирламоқда.

Хатирчи тумани марказида катта кутубхонага, 500 ўринли замонавий клубга эга санъат саройининг қурилиши туманнинг замонавий иншоотларини яна биттага кўпайтирди.

Санъат саройида Орзиқул Эшқувватов раҳбарлик қилаётган 18 та тўгарак ишлаб турибди. Жумладан «Ёр-ёр», «Чиннигул» энографик дасталари, «Тарона» миллий эстрада дастаси, «Мақом» ашула ва рақс ансамбли ва бошқа кўплаб дасталар фаолият кўрсатиб келмоқда. Бундан ташқари таниқли санъаткорлар билан учрашувлар ўтказилиб турилибди.

«Ёр-ёр»,»Чиннигул» дасталари Наврўз байрамига бағишлаб вилоятда ўтказилган санъат фестивалида 1-ўринни эгаллаб, пойтахтда бўладиган Наврўз байрамлари тантаналарида иштирок этиш учун Тошкентга йўл олишди.

Ҳабибулла ҲОШИМОВ,
«Mahalla» мухбири.

ҚАРИЯНИНГ КЎНГЛИ НОЗИК. ЧЕКМАНГ, УМРИНГИЗ УЗАЯДИ! ДИЛКАШ ДАВРАЛАР.

2002 йил 13 март
№11 (289).

«Mahalla» хат қутисидан

Яқинда Поп туманидаги М.Умурзоқов номли қишлоқ фуқаролар йиғининг раиси М.Тожибоевдан мактуб олдик

ХАБАР ЙЎЛЛАНГ, КУТАМИЗ

«Mahalla»нинг ҳар бир сонини орзиқиб кутамиз, - дея ёзади газетхонимиз. - Ўз ҳудудимиз, туманимиз ва вилоятимизда амалга оширилаётган катта бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳам ушбу газета саҳифаларида ўқиб боришни истардик. Бундай ишларнинг мазмун-моҳиятини чуқур таҳлил этиб ёза оладиган мухбир - Мўйдинжон Маткаримов Ғурумсарой қишлоғимизда яшайди. Унинг бир нечта шеърий китоблари чоп этилган. Турли жанрдаги асарлари вилоят газетасида босилиб туради. Истардикки, Мўйдинжон Маткаримов кўпгина эзгу ишларимиздан «Mahalla» ўқувчиларини бохабар этиб борса. Бунга таҳририят нима деркин?

Ушбу мактубга газета орқали жавоб беришни маъқул деб топдик. Негаки, биз билан ҳамкорлик қилишни истаётган бошқа ўқувчиларимиз ҳам бундан хулоса чиқариб олишса ажабмас. Маълумки, газета - миллионлар минбари. Ҳар бир киши ўз фикри, таклифи, таассуротларини шу минбардан туриб очиқ-ойдин айтиши, муаммоларнинг ечимини сўраб мурожаат қилиши мумкин. Агар янги мақолалар билан газетамиз саҳифаларини бойитмоқчи бўлсангиз, нур устига аъло нур. Шу ўринда биз газетамизга эътибори учун куйинчак газетхонимиздан мамнун бўлган ҳолда ғурумсаройлик Мўйдинжон Маткаримовнинг хабар ва мақолаларини кутиб қоламиз.

«MAHALLA» таҳририяти.

Турмуш чорраҳаларида

2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили

ЭШОН АКАнинг феъли

Эшон ака дегувчимиз бўларди. Ниҳоят қувноқ-хушчақчақ, хуш феълли одам эди. Давраларда ҳаммани оғзига қаратарди. Эшон ака бор йиғин қийқириқ-кулгу билан ўтарди, теша тегмаган гаплар ажойиб-ғаройиб воқеалар дейсизми - ҳамма-ҳаммасини шу инсондан эштитардик. Учрашиб, гурунглашсангиз, ўз суҳбати билан сизни ўзига оҳанграбодек тортаверадиган одамлар бўлади.Эшон ака худди шундай, фаришталик одам эди.

Бир ҳафта-ўн кунча кўринмай қолгач, суҳбатининг хумори тутиб,уйига йўқлаб бордим. Эшикдан киришим билан Саври опа очиқ чеҳра билан кутиб олдилар.

- Вой, гиргиттон бўлай, яхши юрибсизларми, келиним омонми, болаларингиз соғ-саломатми?

- Эшон ака уйдамилар? - сўрадим.

-Ҳа, уйдалар, - деди.

- Эшон ака, бормисиз, одамларни соғинтириб қўйдингиз-ку!

- Ўтиринг, - деб ёнларидан жой бердилар. Фотиҳа ўқилгач:

- Бу дейман, Эшон ака, кўринмай қолдингиз, тинчликми, кайфиятлар қалай?-дедим.

Сарви кеннойи ҳушёр тортди, нимадир демоқчи бўлиб лабларини қимирлатди. Бу ҳолатни сезган Эшон ака хотинига ғалати қараш қилди. Бу билан у «гапирма» дедими ё бошқа маънодами - билмадим.

- Шу десанг, ука ўзимни бироз ғалатироқ сезяпман кўнглим хижилроқми, билмайман.

- Кунда айтаман, ҳой дадаси, уйда ўтираверманг, боринг, кўчага чиқинг, одамлар билан учрашинг, одамнинг таптини одам олади, бу ҳолда киши оғир бўлиб қолади деб, қани қулоқ солсалар, - кеннойим юрагида тўпланиб қолган гиналарини тўкиб сола бошлади

Кузатиб турибман, хотинининг сўзлари Эшон акага унчалик хуш ёқмади, шундан бўлса керак пешонасини тириштириб, бошини четга бурди. Бу ҳолни кўрган хотин бироз тутаққандек бўлди. У бирдан менга қараб бурилди-ю гапини давом эттирди.

- Энди, ука, сиз биз учун яқин одамсиз, сирдошимизсиз, сиздан яширадиган сўзимиз йўқ, борди-ю бугун ҳам келмасангиз эртага ўзим бориб чақириб келмоқчи эдим.

Эшон ака ялт этиб хотинига қаради.

- Бас қил, - деди шаҳд оҳангда, - кўргани, юрак чигилини ёзгани келган одамнинг олдида энди ҳасратингни дастурхон қилмоқчимисан, нима кераги бор.

- Айтаман, айтмасам бўлмайди, одамни хит қилиб юбордингиз, - кеннойим ҳам бўш келмасди. - Мана бир ҳафта бўлди, товушларини энди эштитдим, гапирсам тескари буриладилар, овқатга чақирсам ҳам чиқмайдилар. Уйга кириб олганлар, чойни ҳам, емакни ҳам ўша ерга олиб кириб қўяяпман. Очиғини айтсам, болалардан ҳам хижолат чекяпман.

Кеннойи бироз сукут сақлади. Шу ўринда бир «уҳ» тортиб олди. Эшон ака хотинига бир ғалати қараш қилди-ю, яна бошини қуйи солган ҳолатда ўтираверди.

-Ҳой, барака топкур, ўзи нима гап, қандай айб иш қилиб қўйдим, айтинг, айбим бўлса узр сўрай, дейман. Қаёқда дейсиз, мум тишлаганлари тишлаган, яна буниси етмагандек тескари қарайдилар. Бундан кўра сўксалар, уришсалар юз бор енгил бўларди.

Ўртага жимлик тушди. Гўё ҳамма ўз ўй-хаёллари билан банддек. Менга келсак, яширимайман, ҳайратда эдим, бир гапириб ўн куладиган, табиатан хушчақчақ Эшон акадек одам ўйида ҳам шунақа паст-баланд гаплар бўларкан-да, деган ўйда ғалати ҳолатда эдим. Нима бўлди эканки кўплардан ақли-ҳуши билан ажралиб турадиган, ўзгалар ҳавас билан қарайдиган бу кишининг ҳозирги ҳолати мен учун жумбоқ эди.

- Бу дейман, акахон, нима гап бўлган ўзи, айтинг, ўша сизга ўтиришмаган иш балки билиб-билинмай қилингандир. Мана, ўзлари айтяптилар, бир эмас юз бора узр сўрамоққа тайёрлар.

Эшон ака ҳамон ўша ҳолатда. Чамаси қандай қилиб юракдаги гинани айтсам булар тушунаркин, деб ўйларди. Бир «уҳ» тортдию илло оғиз очмади.

- Гапираверинг, бу ерда бегона киши йўқ, ичимдагини топ десангиз бўлмас, ундан кўра ёрилганингиз маъқул, менимча.

- Наҳотки ўзи сезмаган бўлса, ўша иши маъқул эмаслигини.

- Қайси ишни, айтинг дадаси, айтинг, кўпинча инсон боласи ўз айбини билмайди, - кеннойига жон кирди.

Эшон ака бошини кўтарди, кўнглини ранжитган ўша воқеани, унинг учун жуда муҳим бўлган ҳодисани қандай қилиб тушунтириш учун фикрини жамлаётгандек эди.

- Ёдингдан кўтарилган бўлса эслатайин, - деб гап бошлади акамиз. - Ўша куни чой дамлаб бергин, - деб айтдим сенга, эслайсанми?

- Ахир чойни ўша куни эмас, ҳар куни неча бор дамлаб бераман.

Мен Сарви кеннойига қарадим, тек ўтиринг, деган маънода бир кўзимни қисиб қўйдим.

- Хўш, ундан кейин нима бўлди, Эшон ака? - далда берган бўлдим.

- Шу десанг, чойни келтирди, бир-икки қайтаргач, пиёлага қуйди. Нима деб ўйлайсан, шу олдимга «тоқ» этиб қўйса бўладими...

Биз яна нима гап бор экан, деб кутдик, у кишидан бошқа садо чиқмади.

- Шуми бор-йўқ айбим? - сўради кеннойим. - Вой товбангдан кетай, манави кишини кўринг, шу гапни жиддий гап, деб сўзлаяптилар...

- Сен учун шунчаки бўлиши мумкин, - гапни яна Эшон ака илиб кетди, - илло мен учун оғир жуда оғир, шунинг фарқига етмаётганларга ҳайронман. Агар шундай бўлса, қозоқнинг тўққиз пулидек қилиб айтай сенларга. Аввало пиёлани ана ўшандай шаҳд ҳолатда «тоқ» этиб қўйган кишига шу иш малол келганлигини англатади, буниси ҳам майли, иннайкейин бу чой сўраган кишига нисбатан бориб турган ҳурматсизлик, ҳа ҳурматсизлик, билмасаларинг билиб олларинг.

- Бор-йўқ гап шуми? - сўрадим яна вазиятни юмшатиш мақсадида.

- Ие, қизиқ одам экансиз, ука, тушунтирдим-ку, бундан ортиқ яна нима бўлиши мумкин. Вой тавба...

- Баъзи кишилар бор, уларнинг кайфияти фаслларга қараб ўзгаради - бир ёз чилласида, бир қиш чилласида, бир куз чилласида, мабодо сиз ўшалар тоифасиданмисиз, дейман, ахир бу ёш боланинг енгил хархашасига ўхшаган гап-ку, эй қойилман-е сизга.

Эшон аканинг чеҳраси очилди, бирдан бутун борлиғи билан ҳовлини бошига кўтариб қаҳ-қаҳа урди.

Хайрият-эй, чигил ёзилиб кетди. Биз ҳам у кишига қараб мириқиб-мириқиб кулдик.

-Кеннойи, ана яраша-яраш бўлди, сизнинг ошингизни соғинганман, - дедим.

Бу гапларни мен атайлаб айтдим, то юракда андек бўлса ҳам тутган қолмасин, ёзилиб гаплашиб ўтиришга ош бир баҳона.

- Жоним билан, бир зумда «есть» қиламиз, - деди у ўрнидан енгил тураркан. Қани сизлар чой ичиб ўтиринглар, мен ҳозир.

Кеннойи сўридан тушиб, учтўрт қадам ташлагач, тўхтаб ўгирилди-да, менга юзланиб дедилар:

- Чой узатаётганингизда эҳтиёт бўлинг, кўнглимиз қанақалиги энди сизга ҳам маълум.

-Эшон ака, мен бир укангиздекман, шундайми, - деб сўрадим, тасдиқ ишорасини олгач, сўзимда давом этдим, - бу қанақаси бўлди, биров эшитса кулади-ку бу гапларга.

- Ўзим ҳам биламан, - деди у эндиликда бутунлай очиқ чеҳра билан, - лекин, ука, қандай, бу кўнгил иши бўлса. Ақлим айтади: тентаклик қилма, деб, илло кўнгил унинг амрига қулоқ тутишни хоҳламайди. Шундай яралган бўлсам мен нетай. Кўнгилга буйруқ, кўрсатма бериб бўлмас экан. Инсон боласи шундай бўларкан...

Уйга қайтар эканман Эшон аканинг «кўнглига буйруқ, кўрсатма бериб бўлмас экан, мен нетай» деган сўзларини бот-бот такрорлардим.

Исмоил СУЛАЙМОНОВ

БОДОМ ГУЛЛАГАНДА

Қумуш танга сочиб пойига
Ҳовлимизда гуллади бодом.
Мафтун бўлиб гул чиройига
Дейман: унга кўнмасин гард, шом.

Хотирамда жонланар шунда
Дилбарим илк кўрган кун.
Гул ғунчадай эди ўшанда,
Ақлим олиб айлаган мафтун.

Оқар сувдек ўтаркан йиллар,
Бардошингни синаркан ҳаёт.
Ортда қолди қанча кун, ойлар,
Ўзгармади меҳр, садоқат.

Шукрона айтаман сўзсиз,
Кечган умр кетмабди зойи.
Теграмизда бир саф ўғил-қиз,
Неваралар кўзлар қароғи.

Соф бўлса гар севги, садоқат,
Узулмайди ишқнинг ришталари.
Тарк этмайди бахту саодат,
Порлоқ бўлар доим эртаси.

Қумуш танга сочиб пойига
Ҳовлимизда гуллади бодом.

Карим РАҲИМ.

Баҳор кайфияти

Дилдан дилга ўтади меҳр

Завқли учрашув ва дилкаш суҳбатлар кўнгилларни бир-бирига яқинлаштиради, узоқ вақтгача хотираларда қолади.

Таниқли санъаткорларимизнинг Юнусобод туманидаги Оқтепа маҳалласи аҳли билан учрашуви маҳаллада байрам кайфиятини бошлаб берди. Ўзбек Миллий Академик драма театримиз актрисалари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Саида Рамеатова, Раъно Ярашева, Муқаддас Холиқовалар ижро этган лапару яллалар, келин салом ҳамда халқона айтимлар даврага завқ-шавқ олиб кирди.

- Шу сингари тадбирларни ўтказиш бизда одат тусига кириб қолган, - дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тўлқин Аҳмедов. - Шунингдек, хотин-қизларимиз етакчиси З.Усмонова, маҳалла фаоллари - У.Маҳкамов, М.Афзалов, Р.Ҳикматов, М.Абдураҳимоваларнинг ташаббускорлиги ва тадбиркорлигидан айниқса мамнунмиз.

Махмуда ВАЛИЕВА.

Сиру синоат

ТАСБЕҲ ЎГИРИШ... ЮРАККА ФОЙДА ЭКАН

Кекса шифокор, рентгенолог Низом Аҳмедов маҳалла йиғинида бир қизиқ гапни айтиб қолди.

- Ҳамкасбларимдан бири менга инсон танаси аъзоларининг бор бўйи расми туширилган бир чизмани кўрсатди,- деди у. - Бу чизмада аъзоларнинг бир-бирига бўлган таъсири стрелкалар билан кўрсатилб, изоҳлар берилган эди. Шунда кўрсаткич ва бош бармоқларнинг юрак фаолиятига таъсири ҳақидаги изоҳ мени ҳайратга солди. Бу бармоқларнинг учини пайпаслаб, бошқача айтганда майин уқалаб туриш юрак фаолиятига ижобий таъсир этаркан. Шунда тасбеҳ ўгириш ҳодисаси ёдимга тушди. Тасбеҳ доналари ўгирилганда асосан кўрсаткич ва бош бармоқ иштирок этади. Бу юрак фаолиятини яхшилашга ёрдам берар экан.

Гайбулла АСАТУЛЛАЕВ

Маслаҳат ўрнида

ИЧМАЙ КЕЛИНГ

Суҳбат қуриб яйрашайлик,
Дада, энди ичмай келинг.
Қидиртириб бизни ҳар кун,
Кийимларни ечмай келинг.

Ойимларга сочиб «заҳар»,
Таниёлмай бизни саҳар
Кир ювдирмай ҳар кун наҳор,
Лой ботқоқни кечмай келинг.

Кўча-кўйда кўрган сизни,
Урибди-ку дейди «юзни».
Уялтирмай кунда бизни
Йўл бўйида «учмай» келинг.

Менинг исмим ахир Гулнор
Кайфда келиб дейсиз Дилдор.
Борми сизда номус-у ор
Ароқ, вино ичмай келинг.

Бўлмай бизга кўп тўғаноқ,
Сўз берингу шу бугуноқ,
Бўлсин энди йўлингиз оқ
Сўзингиздан кечмай келинг.

Сойибжон СОБИРОВ.
Андижон вилояти

Огоҳ бўлинг

ДЎХТИРЛАР ХАВОТИРДА

Мутахассисларнинг аниқлашларича, аёллар чекишга тезроқ ўрганиб қолишар экан. Бунинг сабаби уларнинг депрессия ва асабий ҳолатларига нисбатан кўпроқ тушиб қолишлари бўлиб, ундан қутилишининг чораси сифатида чекишни танлашар экан.

Хотин-қизлар озиш учун ҳам чекишни ихтиёр қилар эканлар. Чекишнинг зарари ҳақида кўплаб ёзилган бўлса-да, аёллар организми учун бу одатнинг хавфлироқ эканлигини яна бир карра айтиб ўтиш фойдадан холи эмас. Чунки чекишнинг биринчи зарбаси терига тушади, энг зўр кремлар ҳам чекиш натижасида терига тушган ажинларни йўқота олмайди. Тиш оғриғи ҳам кўп ҳолларда шу ярамас одат билан боғланган. Шунинг учун ҳам франциялик тиш дўхтирлари чекадиганлар чекишни ташламагунларича уларни даволамайдилар. Инглиз дўхтирларининг аниқлашларича, ҳозир кўп тарқалган аллергик касалликлар бўлғуси она авлод бу ярамас одатга урган-урмаганлигига бевосита боғлиқ экан. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, вояга етмаган қизлар орасида чекувчилар сони тез суръат билан ортаётганлигидан ташвишда. 12-14 ёшли қизларнинг 5,6 фоизи чекаётган бўлса, бу кўрсаткич шу ёшдаги болалар орасида 2,5 фоизни ташкил этади. 17 ёшдаги қизларнинг қарийб 27 фоизи никотинга боғланган бўлса, 19 ёшлилар ичида бу рақам 49 фоизни ташкил этади. Тиббиёт ходимлари ёшларнинг чекишга ружу қўйишлари учинчи минг йилликда ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкин демоқдалар. Шу боисдан ҳам бир неча мамлакатларда врачларнинг ичида янги мутахассис, яъни ўсмирлар табакологи пайдо бўлгани бежиз эмас. Статистиканинг хабар беришича, йилига 5 мингаёл шу ярамас одатнинг қурбонига айланмоқда, аҳвол шу зайлда кетаверса, 10 йилдан кейин эса бу рақам 55 мингга етиши мумкин. Чекувчиларнинг ўзлари чекишни ташлашни ихтиёр қилмас эканлар, бу борада тиббиёт ходимларининг қиладиган саъй-ҳаракатлари бефойда.

СКАНВОРД

Тузувчи: Рустам БУРЛИЕВ



Янгисидан бор

-Сиддиқвой, шаҳарда ҳам лимон ўсадими?
-Йўқ, у ерда унинг нархи ўсади.

-Нега қишлоққа кўчиб келдингиз?
-Шаҳарда ичсанг ўн беш сутка тайёр.Қишлоқда ичволиб дарахт тегида ётаверасан.

Муҳаррирлар тавсияси

ҚЎЙ **Узоқ муддатга мўлжалланган ишларни режалаштиришда ортиқча шошқалоқлик қилманг, тезкорлик ҳамиша ҳам фойда беравермайди.**

БУЗОҚ Қанчалик долзарб бўлмасин, шу кунларда ишда ҳам, оилада ҳам молиявий масалаларни муҳокама қилмай туринг. Айниқса, бугун ва эртага ўз муаммоларингиз билан бошлиғингизнинг бошини қотирмай туринг.

ЭГИЗАКЛАР **Шу кунларда дўстларингиз ва танишларингиздан катта даромад ваъда қилувчи бир нечта таклифлар тушади. Бироқ, уларга асло эргашманг! Шундай қилсангиз, кейин хурсанд бўласиз.**

ҚИСҚИЧБАҚА Ҳар қандай муаммони ҳал қилишда фақат ўз кучингизга ишонишингизга тўғри келади. Шу кунларда Сизни қўллаб-қувватлаши лозим бўлган кишилар фақат ўзлари билан оввора бўлишади.

АРСЛОН **Шу кунларнинг қандай ўтиши кўпроқ ўзингизга боғлиқ. Ёш ва мансаб жиҳатидан ўзингиздан юқори бўлган кишиларга ваъда беришда эҳтиёт бўлинг. Одатда бундай ваъдалар албатта бажарилиши лозим.**

ПАРИЗОД Молиявий муаммоларингиз ечимини шу кунлардан кейинроққа қолдириб туринг. Пайшанба ва жума кунлари ишда, дам олиш кунлари эса оилада сергак бўлинг, ахир баҳорнинг келиши ҳаммага ҳар хил таъсир қилади.

ТАРОЗУ **Келаси чоршанбагача ҳар қандай шартнома ва келишувларни расмийлаштирмай турсангиз яхши. Фарзандларингизга ва турмуш ўртоғингизга нисбатан ортиқча талабчан бўлманг.**

ЧАЁН Шу кунларда соғлиғингиз Сизни кўпроқ безовта қилиши мумкин. Вақтинча парҳез тутсангиз яна ҳам яхши. Табиат қўйнида кўпроқ бўлинг, баҳорги табиат таровати кишига яхши таъсир этади.

ЎҚОТАР **Нима учундир шу кунларда дангасалик Сизни забт этмоқда. Ўзингизни ишга уринг, яхши дам олиш учун аввал яхши ишлаш керак. Бекорчиликни ўзингиздан қувинг.**

ТОҒ ЭЧКИСИ Атрофингиздагиларнинг асабини асранг, шунда ўзингизни ҳам кўнгилхираликдан эҳтиёт қилган бўласиз. Ортингиздан - «Бу одамга нима бўлган ўзи?» деб сўрашларини истамасангиз, одамларга хушмуомала бўлинг.

ҚОВҒА **Маблағ масаласида яқинларингиз билан тортишиб ўтирманг, яхшиси ён босиб қўя қолинг. Фалсафий мушоҳадалар битилган китобингизни кўздан кечиринг, бу вазиятни тўғри баҳолашда ёрдам беради.**

БАЛИҚ Шу кунларда жуда қизиққонсиз. Афсуски, бу ҳолат бошқалардан кўра ўзингизга кўпроқ зиён келтиради. Умуман олганда, кундалик ташвишлар билан банд бўлганингиз тузук.

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши,«Маҳалла» жамғармаси Республика Бошқаруви, «MAHALLA»газетаси таҳририяти Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси биринчи ўринбосари Ниғматилла АБДУЛЛАЕВГА акаси **Файзулла АБДУЛЛАЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

MAHALLA

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОҚИБОЕВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Шавкат ЎРАЗАЕВ, Таъноберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ,

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ
Навбатчи: Аброр БЕРДИЕВ
Саҳифаловчи: Алишер ЙЎЛДОШЕВ

Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-3337 Топширилди—20.30